

## **АЛЕКСАНДР АРКАДЬЕВИЧ ФАЙНБЕРГ – ЎЗБЕКИСТОН ШЕЪРИЯТИ ОСМОНИНИНГ ЁРҚИН ЮЛДУЗИ**

**Ирода Санъат қизи Тохирова**

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабаси

### **АННОТАЦИЯ**

*Бу мақолада рус шоири ва Ўзбекистон халқ шоири Александр Аркадьевич Файнбергнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида сўз боради. Унинг асарлари ҳақида маълумотлар тақдим қилинган.*

**Калим сўзлар:** шоир, шеър, рус, ўзбек, муаллиф, журналистика.

### **ABSTRACT**

*This article provides information about the life and creative work of the Russian poet and People's Poet of Uzbekistan Alexander Feinberg. Information about his works is provided.*

**Key words:** poet, poetry, Russian, Uzbek, author, journalism.

### **КИРИШ**

Адабиёт фанидан таълим олиш жараёнида кўплаб ўзбек, рус, хорижий ёзувчи-шоирлар ижодини ўрганганмиз. Ҳар бир шоир ёки ёзувчининг ўзига хос ижодий қарашлари мавжуд. Бу қарашлар албатта, уларнинг ёзган асарлари, шеърларида намоён бўлади. Шундай ёрқин ижодкорлардан бири Александр Аркадьевич Файнберг Ўзбекистон шеърий осмонида муболағасиз энг ёрқин нур сочган адиблардан бирidir. Унинг ижоди жуда кўп қиррали ҳисобланади.

1937 йилда ота-онаси Новосибирскдан Тошкентга кўчиб келгач, Александр Файнберг 1939 йил 2 ноябрда Тошкент шаҳрида туғилган. У Тошкент, Москва ва Санкт-Петербургда нашр этилган ўн учта шеърий тўплам муаллифи ҳисобланади. Унинг қаламига мансуб еттита сценарий ёзилган.

### **МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР**

Жаҳон уруши даврида у яшаётган жой урушдан узоқ бўлсада, Александр болалар боғчасидаги очлик ҳисларини эслаб: ...бизда нонуштага лавлаги. Кўчада эса дарё... Тушдан кейинги чойга ҳам лавлаги... (Куз. 1942). Бу даврдаги болалар учун болалик даври қийин кечган. Сашанинг ёнида доимо меҳрибон ва ғамхўр онаси Анастасия Александровна бўлган. Онаси уйда каттагина кутубхонага эга бўлиб, инглиз ва француз тилларини пухта эгаллаган, Москвада таълим олган эди [1:61].

Онаси унга уйда Пушкин, Лермонтов, Некрасов, Блок, Мандельштам, Есенин, Ахматова ва Тютчевнинг шеърларини ўқиб берган. Унинг отаси Аркадий Львович Файнберг химик-технолог касбига эга бўлиб, уруш ва

урушдан кейинги йилларда заводда ишлаган.Эллигинчи йиллардан кейин илмий тадқиқот олиб боришга қизиқди. Ўрта Осиё университетида доцент вазифасида ишлаш билан бир қаторда, илмий котиб лавозимида ҳам фаолият юритган. Александр отасидан мустақил фикр юритиш, ишга масъулият билан ёндошишни ўрганган. Файнберг 27 ёшга тўлганида, онасидан ажралди. Шундан сўнг кўпгина шеърларини онасига бағишлаб ёзган.

У онасининг номидан ўғлига сўзловчи шеърни ёзган:

Не надо от тебя мне,  
мой родной,  
богатства,  
дома роскоши ковровой,  
Достаточно мне, сын любимый мой,  
чтоб рядом ты ходил живой, здоровый.

Бу шеърнинг ўзбекча таржимаси:

Ҳеч нарса керакмас  
сендан ўғлоним,  
Муҳташам саройлар қурма мен учун.  
Ёнимда юрсанг бас,  
бахтим кўрғони  
Бўлиб соғ-саломат қувонмай нечун[3:23].

Онасидан жудо бўлганидан беш йил ўтиб, 1971 йилда отаси вафот этади.

Унинг болалиги собиқ Жуковская кўчасидаги уйда ўтган. Етти йиллик мактабни тугатгач, Александр Файнберг Тошкент типография техникумига ўқишга кирди. Техникумни тамомлагач, Тожикистонда ҳарбий хизматни ўтаган. Кейин Тошкент университети (ТошГУ, ҳозирги ЎЗМУ)ни тамомлаган, филология факультетининг журналистика йўналиши кечки бўлимида таҳсил олган. Кечқурун ўқиб, кундузи журналистика ва нашриёт нозик сир асрорларини ўрганиш мақсадида ишлаган.

1965 йилда унинг биринчи китоби “Велотреки” (велосипед треклари) нашр этилган. 1969 йилда уни Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасига қабул қилишган. Шу йили учинчи китоби “Мгновение” (Тезкорликда) ҳам нашр этилган. Унинг номи секин-секин машҳурликка юз тутган [1:62].

А.Файнберг шоир ҳодисаси, давр тимсоли, серқирра, теран, кўп қиррали шоир бўлиб, унинг шеърларини англаш учун ҳали китобхонлар, адабиётшунослар ва тадқиқотчилар изланиш олиб боришлари керак. Александр Аркаевич Файнберг ҳаётлик даврида унинг ишини илмий тарзда ёндашиб, ўрганишларига қарши бўлган. У ҳеч кимнинг уни мақташини ёки ундан ҳам

ёмони, уни Совет шеърятининг “бронза” классикаси мансуб сифатида мuddатидан олдин ёзиб қўйишини ёқтирмаган. Шоирни чоп этган китоблари тақдири, ҳали ёзилмаган ҳар бир янги шеъри, муваффақиятли ёзилган сатр ичидан топилган янги қофия, “эркин сонетлар” нинг янги ноодатий шеърый шакли кўпроқ ташвишлантирарди.

А.Файнберг “дастлаб мен буни қилдим”, деган шоир ёки рассом гапини нотўғри деб ҳисоблаган. Ҳа, у ҳеч нарса қилмади, бу юқоридан худо орқали, худди қўшиқчига овоз берилгани кабидир, яъни унга талант худо томонидан берилган, у фақат бажарувчиси деб ҳисоблаган. Бу “ўша шоир ёки рассом эмас, балки Худонинг унга берган инъоми, бунинг учун тақдирга миннатдорчилик билдиришимиз керак” – деб фикр билдирган. Мен кимман? Кейинги қаторда нима ёзилишини билмайман. Шеър – Худо берган қўшиқ”. [2:17].

А.Файнберг ўзи ҳақида башоратли тарзда “Йигитлар, мен ҳали туғилмаганлар олдига бораман...”, деди.

Александр Файнбергнинг 700 дан ортиқ шеърлар, иккита поэмалари нашр этилган. Шоир Шарқ маданияти марказида яшаган, бир вақтнинг ўзида у параллел равишда рус маданиятининг вакили ва ташувчиси ҳамдир[2:62].

Шарқ сунъий цивилизациясиз ҳам кўпллаб маданиятларнинг чорраҳаси ҳисобланади. Бу борада унинг қуйидаги шеърлари бор: «Старая песенка» (“Эски қўшиқ”), «Самаркандский базар» (“Самарқанд бозори”), «Картинка Самаркандского базара» (“Самарқанд бозори сурати”), «Два грузина» (“Икки грузин”); туғилиб ўсган Тошкент шаҳри ҳақида: в «1943» (“1943-йил”), «Незабудка» (“Унутма мени”), «С вокзала я...» “Вокзалдан мен...”, «Трамвайный парк» (“Трамвай парки”), «Взгляд из детства» (“Болаликдан бир манзара”), «Город, который ты есть» (“Сен бўлган шаҳар”), «5-ый проезд Жуковского» (“Жуковскийнинг 5-йўлаги”), «Город милый» (“Азизим шаҳар”).

А.Файнберг нафақат шеърлар ёзди, балки таржима билан ҳам шуғулланди. У машҳур бобокалонимиз Алишер Навоий ва замонавий шоирлардан Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Асқад Мухтор, Гулчехра Нуруллаеванинг шеърларини рус тилига таржима қилган. Унинг шеърларини 2004 йилда Рустам Мусурмонов ўзбек тилига таржима қилган.

### **Фойдаланилган адабиётлар (REFERENCES)**

1. Малыхина Г.В. Урок по лирике А.Файнберга. // Преподавание языка и литературы, научно-методический журнал. Ташкент. 2006. №2.
2. Малыхина Г.В. Поэтический прииск Александра Файнберга. – Т., 2014.
3. Файнберг А. Ишқ дегани бир қарашда туюлар осон... Шеърлар//Алексндр Файнберг. – Т.: Ижод нашр, 2021.